



T.N.Qori Niyoziy nomidagi O'zbekiston Pedagogika
fanlari ilmiy tadqiqot instituti

UZLUKSIZ TA'LIM



ILMIY-USLUBIY JURNAL

2023
Maxsus son

DJURAYEV Risbay
Bosh muharrir

Jurnal 2001 yildan nashr qilina
boshlangan.

O'z MAAdan 2007 yil 3-yanvar-
da № 0101-tartib raqami bilan
qayta po'yxatdan o'tgan.

Jurnalda e'lon qilingan
maqolalardan iqtibos keltiril-
ganda «Uzluksiz ta'lim»
jurnalidan olinganligi ko'rsa-
tilishi lozim.

Tahrir hay'ati:

Abdug'appon QIRQIZBOYEV
Uzoqboy BEGIMQULOV
Xolboy IBRAGIMOV
Laylo AXMEDOVA
Roxatoy SAFAROVA
Leyla DJURAYEVA
Dono G'ANIYEVA
Lobar QARAXANOVA
Dusmurod DJURAYEV
Baxodir AKBAROV
Komiljon KARIMOV
Komiljon GULYAMOV

Tahririyat manzili:

100027, Toshkent sh.,
Furqat ko'chasi,
174-uy.

O'zPFITI

Tel.: (71)-245-92-34

(93)-503-52-07

e-mail: uzluksiztalim_jurnal@mail.ru
liya_2305@mail.ru

TA'LIM MAZMUNI UZLUKSIZLIGI

- 3 **G.I. Muxamedov**
Pedagogik ta'lim innovasion klaster: uzluksiz ta'limni rivojlantirishning zamonaviy mexanizmi sifatida
- 8 **J.E. Usarov**
Talabalarning individual ta'lim trayektoriyasi – ta'lim uzluksizligining bosh omili sifatida
- 13 **D.O. Ximmataliyev**
Uzluksiz ta'lim bosqichlarida individual yondashuv asosida kasbga yo'naltirish omillari
- 18 **U.I. Mahkamov**
Uzluksiz ta'lim jarayonida tarbiyaviy ishlarni takomillashtirish
- 24 **S.B. Qorayev**
Uzluksiz ta'lim jarayonida tarbiyaviy ishlarni takomillashtirish
- 30 **G.O. Ernazarova**
Ta'lim va amaliy faoliyat uzluksizligi klaster yondashuv asosida ta'minlash metodologiyasi
- 36 **Y.N. Xodjamkulov**
Uzluksiz ta'limni rivojlantirishning hamkorlik mexanizmlari
- 41 **M.O. Raxmanova**
Talabalar ijtimoiy kompetentligini rivojlantirishda uzluksiz va individual yondashuvning dolzarbligi
- 47 **Ф.У. Қодирова**
Инклюзив таълимда узвийлик ва узлуksизликни таъминлашнинг педагогик-психологик механизmlari
- 53 **G.S. Abdullayeva**
Uzluksiz inklyziv ta'limni sifatli ta'minlashda axborot texnologiyalarning o'rni
- 59 **P. Мусумонов**
Uzluksiz ta'lim muassasalarida o'quv jarayoniga nisbatan intizomsizlikka oid pedagogik va psixologik qarashlar
- 65 **I. Qodirov**
Pedagogik ta'lim innovatsion klasterining taraqqiyot strategiyasi va uning amalga oshirish mexanizmlari
- 71 **J.F. Ravshanov**
Pedagog kadrlar tayyorlovchi oliy ta'lim muassasalarida «4+2» shakli bo'cha amaliyot o'tashni tashkil etish
- 75 **Y.YU. Fayzueva**
Оптимизация специальных учреждений – как эффективный путь трансформации образования детей с ОВЗ от специального образования к инклюзивному
- 81 **Sh.A. Abduljalilova**
Maxsus pedagogikaga oid fanlarning o'qitilishida uzviylikni ta'minlashning o'ziga xosligi
- 87 **N.J. Eshnaev**
OTMlarda mobil mutaxassis tayyorlash – kasbiy yo'nalganlikning ijtimoiy-pedagogik kafolati ekanligi
- 93 **Sh.X. Kobilova**
Uzluksiz inklyziv ta'lim muammosini xorij tajribasi misolida o'rganish va uning pedagogik tahlili
- 99 **M.F. Qurbonova**
Uzluksiz ta'limda jarayonida zamonaviy yondashuvlar
- 104 **A.R. Raxmonov**
Uzluksiz ta'lim tizimida uslubiy yordam ko'rsatishning pedagogik mobilligi tizimidan foydalanish
- 110 **I.O. Sayfullayeva**
Bo'lajak logopedlarning uzviy kasbiy faoliyatini metodik tizimlashtirishda art texnologiyalarning o'rni
- 116 **O.S. Ishmatova**
Fonetik ritmika mashg'ulotlari asosida o'quvchilarning nutqiy muammolarini bartaraf etish uzviyligini ta'minlash yo'llari
- 121 **N.A. Egamberdiyeva**
Autizm sindromli bolalar bilan yakka ishlashning uzviyligini ta'minlash omillari



ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМДА УЗВИЙЛИК ВА УЗЛУКСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ

Ф.У.ҚОДИРОВА,

педагогика фанлари доктори, доцент

Ушбу мақолада инклюзив таълимни ташкил этишнинг педагогик-психологик масалалари ёритилган. Шунингдек, инклюзив педагогнинг фаолиятига қўйилувчи талабларнинг моҳияти очиқ берилган. Таълим клас-тери шариоотида инклюзив таълим субъектларининг ҳамкорлигини кучай-тиришга доир тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: таълим кластери, инклюзив таълим, фаолият, ҳам-корлик, оила, имконияти чекланган бола, инклюзив педагог, таълим, су-бъект, самарадорлик, аспект, педагогик-психологик ёндашувлар.

В статье освещены педагогические и психологические вопросы органи-зации инклюзивного образования. Также раскрывается характер требо-ваний к деятельности инклюзивного педагога. Представлены рекоменда-ции по усилению сотрудничества субъектов инклюзивного образования в контексте образовательного кластера.

Ключевые слова: образовательный кластер, инклюзивное образова-ние, деятельность, сотрудничество, семья, ребенок с ограниченными воз-можностями, инклюзивный педагог, образование, предмет, эффективность, аспект, педагогико-психологические подходы.

The article highlights pedagogical and psychological issues of organizing inclusive education. The nature of the requirements for the activities of the elusive teacher is also revealed. Recommendations are presented for strengthening cooperation between subjects of inclusive education in the context of the educational cluster.

Key words: educational cluster, inclusive education, activity, cooperation, family, child with disabilities, inclusive teacher, education, subject, effectiveness, aspect, pedagogical and psychological approaches.

Имконияти чекланган болаларнинг сифатли таълимини таъ-минлаш, уларнинг оиладан узоқлашмаган ҳолда инклюзив муҳит-да ўқиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласи ҳар бир давлат сиёсати-нинг муҳим йўналишларидандир. Зеро, жамият ва давлатда инсон-парварлик тамойилининг ҳаётга татбиқ этилгани, у ерда яшайди-ган ногирон болалар ва катталарнинг ижтимоий ҳимояланиши, уларга бўлган қўллаб-қувватловчи эътиборнинг даражасига бог-лиқдир.

Инклюзив таълим барча таълим турлари каби ўзининг мақсад



ва вазифаларига эга бўлиб, ўзининг ижтимоий-педагогик тавсифларига эга. Инклюзив таълимнинг самарали ташкил этилишида оила, маҳалла, тиббиёт ташкилотлари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигига муҳим омил ҳисобланади. Мазкур ҳамкорликнинг инновацион механизми сифатида педагогик таълим инновацион кластери ҳозирги кунда узлуксиз таълим самарадорлигини таъминлашда етакчи омил саналмоқда.

Таълим кластерининг инклюзияга эришиш ҳамда уни самарил амалга оширилишига қандай алоқаси бор? — деган саволга амалий ечим сифатида қуйидаги изоҳларни келтириш мумкин:

1. Кластер шароитида инклюзив таълим иштирокчиларининг роли ва вазифалари аниқ ва мақсадга йўналган ҳолда белгиланади.

2. Ўқувчиларнинг академик фаолият траекторияси таълим муассасаси негизида амалга оширилса, ижтимоий мослашув траекторияси «уйдан-мактабгача» харита негизида ташкил этилади. Бу ўз ўзидан маҳалла ва макро муҳитнинг мазкур таълим турига бевосита дахлдорлигини тавсифлайди.

3. Ногиронликка нисбатан инсонпарварлик муносабати якка ҳолда ёки оиланинг ўзида, ёки фақат маҳалла иштирокида ва ёки манфаатдор ташкилотнинг саъйи-ҳаракатларининг ўзи билангина пайдо бўлмайди. Бу муносабат жамият иштирокини тақозо этади. Шунинг учун бизнинг тадқиқотимизда белгиланган вазифалар «Инклюзив таълимдан-инклюзив жамиятга» — гоёси доирасида таълим кластерига мурожаат қилишга ундади.

4. Оилаларда имконияти чекланган болалар учун таълимий муҳитни яратишга ота-оналарнинг педагогик саводхонлиги етишмайди. Оилаларга бу масалада ёрдамни ташкил этиш эса, фақат таълим муассасасининг зиммасидаги вазифа эмас, албатта, чунки ҳар бир оиланинг ўзига хос ижтимоий мавқеи, ички тартиб қоидалари мавжуд бўлиб, уларга хос йўлни топиш ва қўллашда маҳалла ҳамда бошқа ижтимоий институтлар иштироки талаб этилади. Бу ҳаракатларни умуммақсадга йўналтиришда эса, таълим кластери тамойилларига эҳтиёж сезилади.

5. Инклюзив таълим жараёнида эътибор фақат имконияти чекланган болаларга нисбатан йўналса, унда бу таълим тури ўзининг очиқлиги, ҳаммабоплиги ва албатта, инсонпарварлигини йўғотади. Демак, инклюзив таълимда эътибор ҳамма ўқувчига бирдек қулай муҳитни яратишга қаратилади. Бу вазият иштирокчиларнинг фаолиятини таълим тури мақсадидан келиб чиқан ҳолда мувофиқлаштиришни кўзда тутати. Айнан бу масаланинг ҳал этилишида ҳам таълим кластери педагогик механизм сифатида майдонга чиқади.

Жаҳон тажрибаларини таҳлил қилганда қуйидагилар маълум бўлди:



1. Инклюзив таълим қанчалик эрта бошланса, шунчалик имконияти чекланган болаларнинг жамиятга уйғунлашуви самарали кечади.

2. Инклюзив таълимда ота-оналарнинг иштироки педагогик-психологик жиҳатдан йўналган бўлса, шунчалик жараён муваффақиятга эришади.

3. Инклюзив педагоглар фаолиятига қўйилувчи талаблар таркибида «инклюзив методик компетенция» га устуворлик берилади. Бунда ўқитувчи фаолиятида индивидуал ишлашга доир педагогик техникаларни кенг қўллаш талаб этилади.

4. Инклюзив таълимда ота-оналар учун педагогик-психологик қўллаб-қувватлаш хизмати ташкил этилишига алоҳида эътибор берилади. Бунда ота-оналарга мунтазам Call марказ фаолият юритади ва ўқувчиларнинг ўзлаштиришидаги муаммолар ечимига боғлиқ тавсиялар бериб борилади.

Чирчиқ давлат педагогика университети илмий ишлари режаси асосида «Инклюзив таълимда ўқувчилар фаолиятини ташкил этишнинг педагогик-психологик асослари» мавзусида олиб борилаётган тадқиқот иши натижалари асосида инклюзив таълимда узлуксизлик ва узвийлик қўйидаги йўналишларда таъминланиши лозимлиги аниқланди:

1. Тизимлараро узвийлик ва узлуксизлик.

1) мактабгача таълим ва мактаб таълими мазмунининг ўзаро оптималлашуви. Бунда мактабгача таълим ташкилотининг мактабга тайёрлов гуруҳи мазмуни умумтаълим мактабининг 1-синфида ўқитиладиган мавзуларга оид содда топшириқларни ўзида акс эттириши лозим;

2) олий таълим муассасасида олиб бориладиган назарий ва амалий машғулотлар мазмунида мактабгача ва мактаб таълимидаги мазмуний ўзгаришларнинг акс этиши. Хусусан, инклюзив таълимда турли тоифадаги болалар билан ишлашнинг махсус методикалари билан қуролланиши талаб этилади. Бунда ОТМ битирувчиси касбий амалиётга тезкор мослашуви таъминланади. Чунки битирувчи муассасада фаолият бошлаган даврда таълим мазмунидаги ўзгаришларни ўрганишга вақт сарфламайди, аксинча, муваффақиятли иш бошлайди.

3) малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида ташкил этиладиган курсларнинг мазмуни педагогларнинг инклюзив таълимга доир касбий эҳтиёжларига йўналтирилган ҳолда ташкил этилиши талаб этилади. Бунда курслар давомида педагоглар, асосан, инклюзив таълимга жалб этилган ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришидаги муаммолар ҳамда мазкур болалар академик фаолиятини ташкил этишдаги тўсиқларга амалий жавоб олишлари керак бўлади.

2. Тизим ичидаги узвийлик ва узлуксизлик.



1) Мактабгача таълим ташкилотида олиб борилувчи ўқув-тарбиявий фаолият, хусусан, «Қуриш, конструкциялаш ва математика», «Тил ва нутқ», «Тил ва нутқ», «Сюжетли-ролли ўйинлар ва сақналаштириш», «Фан ва табиат» ва «Санъат» марказларида соғлом болалар қаторида турли муаммолари бўлган болаларнинг ҳам ижодий, жисмоний, ижтимоий-ҳиссий ривожланишини таъминлаш, уларда соғлом турмуш тарзи, нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакаларини шакллантиришга эришиш тақозо этилади.

2) Мактабда ўқитиладиган фанларга оид тушунчаларнинг имконияти чекланган болалар хотирасида сақланишини таъминлаш мақсадида мазмунан интеграцияга устуворлик берилиши мақсадга мувофиқдир. Бунда ўқувчиларга берилган топшириқларнинг такрорланиш интервали қанчалик қисқа бўлса, шунчалик мазкур тоифа болалар ўзлаштиришида сифат ўсиши кузатилади.

3) Олий таълимда ногирон талабаларнинг модулларни ўзлаштиришидаги бўшлиқларни тўлдиришда мавзуларнинг мураккаблик даражаларга кўра узвий тартибланиши муҳимдир. Бундан ташқари ногирон талабаларнинг ўзлаштириш хусусиятлари бўйича ўқув материални тақдим этишда ҳам мавзуларнинг узвийлиги муҳим педагогик шартлардандир.

Узлуксиз инклюзив таълимда таълим олувчилар фаолиятини ташкил этишда ўқитувчилар фаолиятига ўзига хос талаблар қўйилади. Мазкур талаблар инклюзив таълимнинг инсонпарварлик ғояларига асосланади.

1. Инклюзив таълим шароитида индивидуал ишлашнинг турли методикаларини трансформациялашга тайёр бўлиш. Бунда ҳар бир ўқитувчи дарс давомида ўқувчилар билан ишлашда фронтал қўлланилувчи усулни қўллаш жараёнида ҳам хатто, ривожланишида муаммолари бўлган болаларга яқка тартибда мурожаат қилишга улгуриши, дидактик тарқатмалар билан индивидуал тарзда ишлаши талаб этилади. Албатта, бу жараёнда синф ёки фан ўқитувчисига махсус педагог кўмаги керак бўлади. Махсус педагог фанлар ва мавзулар кесимида имконияти чекланган бола учун мос дидактик тарқатмаларни тайёрлайди ҳамда ўқитувчига тақдим этади. Бунинг учун махсус педагог фан ўқитувчисидан бир қадам олдин қаракатланади, яъни янги мавзуга ўқувчини тайёрлайди. Бунинг учун у йиллик мавзули тақвим режа асосида ишлайди. Индивидуал ишлаш учун ҳар бир имконияти чекланган ўқувчига мос тарқатмаларни тайёрлайди. Демак, махсус педагог ва фан ўқитувчиси ўртасидаги бинар фаолиятда ҳам узвийлик тўлақонли таъминланиши талаб этилади. Шунинг учун педагог қўлламоқчи бўлган методларини қўллаш жараёнида турли вазиятлар содир бўлишини олдиндан пайқаш ва бунга тайёр бўлиши лозим. Методнинг асл



ғоясини сақлаган ҳолда элементларини йўл-йўлакай ўзгартирган ҳолда дарс жараёнини мақсадга йўналтирган ҳолда давом эттиришига тўғри келади. Бу жараён ҳам педагогни бирмунча толиқтириши мумкин. Инклюзив педагог фаолиятига устама берилиши (1 нафар ўқувчи қўшилса, 10%, 2 нафар ўқувчи қўшилса, 20%, 3 нафар ўқувчи қўшилса, 30% белгиланган) ҳам айнан шундай вазиятларнинг ўрнини қоплаш ҳамда педагогни рағбатлантиришни кЎзда тутади.

2. Психологик билимларни мунтазам ўзлаштиришга йўналган ҳолда касбий фаолиятини ташкил этиш. Бунда инклюзив таълим педагогидан турли тоифадаги болалар билан ишлашда психологик билимларга эҳтиёж кучаяди, хусусан, болалардаги инжиқлик, пассивлик, қайсарлик, мулоқотга «ёпиқлик», ўқишга қизиқмаслик, урушқоқлик, қўполлик, ногиронлиги туфайли турли комплексларни намоён қилиш, уялиш, бошқаларнинг ютуқларини кўролмаслик, бирор ишни уддалай олмасликдан стрессга тушиш ва бошқа психик муаммоларнинг сабаби ва бартараф этиш йўллари топиш ҳамда қўллаш талаб этилади. Бугунги кунда замонавий психологияда турли методикалар синовдан ўтиб, амалиётга жорий этилмоқда. Педагог илмий манбалар ва тармоқларга юкланган асосли маълумотларни ўрганиб, тегишли хулосалар чиқарган ҳолда касбий фаолиятининг жозибадорлигини ошириб бериши керак. Чунки аксарият ота-оналар ўз фарзандини тажрибали ва замонавий педагог қўлида ўқиши, тарбияланиши ва ривожланишини ҳоҳлайди. Бундан ташқари инклюзив таълим педагоги ўзида тез-тез учраб туриши табиий бўлган руҳий зўриқишнинг олдини олиш ва уни юмшатиш чораларини танлашда ҳам психологик билимларга мурожаат қилади. Шунинг учун инклюзив таълимда узвийлик нафақат ташкилий ва мазмуний, балки ижтимоий масалаларда ҳам таъминланиши лозим.

3. Ҳамкорлик педагогикасининг тамойилларини билиш ва амалиётга жорий этиш. Бунда инклюзив педагог ота-оналар ҳамда тор мутахассислар билан узвий ҳамкорликда ишлаши талаб этилади. Айниқса, касбий этикет масалаларида ўзини ижобий томондан намоён этиши лозим. Чунки имконияти чекланган боланинг ўқув фаолиятида самарадорликка эришиш манфаати педагог билан боғлиқдир. Бунда бошқа соҳа мутахассисларининг жўяли маслаҳатларини олиш ва манзилли тарзда амалиётга татбиқ этиш педагогга юкланади. Шунинг учун инклюзив педагог ўз фаолиятида ҳамкорликда ишлашга очик ва мurosали бўлиши тақозо этилади.

Инклюзив таълимда ўқувчилар фаолиятини ташкил этишнинг психологик аспекти кўйидаги тавсифлар билан изоҳланади:



Кўриниб турибдики, инклюзив таълимнинг психологик аспекти бола шахси ва у бўлиб турадиган муҳитнинг соғломлиги ва дўстона муносабат ҳамда ишончга асосланганлигига боғлиқ равишда тавсифланади.

Инклюзив таълимда узвийликни таъминлашда субъектларнинг ҳамкорлиги ва ўзаро умуммақсад сари интилиши муҳим омил саналади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қодирова Ф.У. Adaptiv ta'limni tashkil etish orqali o'quv muhiti rentabelligini oshirish // «Maktab va hayot jurnali» O'zbekiston, 2023, N-2, 22-25 bet.
2. Qodirova F.U., Xusnuddinova Z.X., Egamberdiyeva N.A., Shamsiyeva I.A. Increasing the profitability of the learning environment through the organization of adaptive learning // Neuro Quantology an Interdisciplinary Journal of Neuroscience and Quantum Physics, NeuroQuantology, 2022, Vol. 20, pp. 1217-1224.
3. Файзиева У.Ю. Эшитишида нуқсони бўлган болалар инклюзив таълими. Тошкент, 2020.
4. FU Kodirova, SZ Matupaeva, FR Teshaboeva. Methodical cluster-an innovative mechanism to increase the efficiency of general secondary and inclusive education. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 8, 2020 Part III ISSN 2056-5852.



*Jurnalning ushbu sonini
tayyorlashda qatnashganlar:
L.Qaraxanova, S.Pirmatov.*

*O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligidan
03.01.2007 yilda № 0101 tartib raqami bilan
ro‘yxatdan o‘tgan.*

*«Uzluksiz ta’lim» jurnali O‘zbekiston Respublikasi OAK
rayosatining 2013 yil 30 dekabrda 201/3-sonli qarori bilan
pedagogika va psixologiya fanlari bo‘yicha ilmiy jurnallar
ro‘yxatiga kiritilgan.*

*Jurnal talablariga to‘liq rioya qilingan holda 1,5 intervaldagi
6-7 bet hajmdagi ilmiy maqolalar elektron versiyasi
bilan birga qabul qilinadi.*

Bosishga ruxsat etildi: 06.05.2023 y. Qog‘oz bichimi 60x84 $\frac{1}{16}$
Ofset bosma usulida bosildi. 8-bosma taboq.
Adadi 120 nusxa. Buyurtma

**«ADAD PLYUS» MCHJ matbaa korxonasi.
Toshkent sh., Chilonzor t. Bunyodkor ko‘chasi, 28-uy.**